



ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ярашбайева Матлуба Бахтиёр қизи

69-мактаб бошланғич талим ўқитувчиси

schoxrukhon246@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7533036>

Аннотатсия: Ушбу мақолада Ўзбекистонда талаба-ёшларга янги Ўзбекистон ғоясини шакллантиришда унинг долзарблиги ва ҳуқуқий асослари ҳақида маълумотлар келтирилиб ўтилади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳалқимиз, ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимиз, меҳнаткаш, ёш авлод, давлат, амалга ошириш, меҳнат шароити, замонавий ёшлар, алоҳида эътибор.

Кириш: Истиқлол йилларида Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган тенденцияга айланди. Мамлакатимизда суверен тараққиётнинг стратегик йўналиши сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамиятни барпо этиш, унинг сиёсий, институционал, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш ва халқимиз учун энг муносиб бўлган эркин ва фаровон ҳаёт тарзини шакллантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда мамлакатимизда демократик қадриятларни жамият ҳаётига ҳар томонлама чуқур сингдириш, унда фуқаролик кўникмаларини мустаҳкам қарор топтириш учун кенг имкониятлар очилмоқда, аҳолининг кенг қатламларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик хиссини кучайтириш каби масалаларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида юртимиз аҳолисининг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш ҳамда фаровон ҳаёт асосларини мустаҳкамлаш учун муҳим бўлган навбатдаги стратегик заминлар вужудга келтирилмоқда.

Зеро, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга илк тарихий мурожаатномасида таъкидлаганидек: “халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида



ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир”¹.

Дарҳақиқат юртимизда ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш – ҳозирда давлат сиёсатининг бош мақсадига айланмоқда. Айнан мамлакатмиз кўп миллатли халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига таяниб, юртимиз ёшларининг ёруғ келажагини кўзлаб, юксак марралар сари одимлаб бормоқда.

Сўнгги икки йил давомида Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни 2017 йил – *“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”*, 2018 йил – *“Фаол тадбиркорлик, инноватсион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”* давлат дастурлари доирасида босқичма-босқич рўёбга чиқариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Мамлакатимизда одамларни рози қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлаш каби ижтимоий масалалар ҳар йили ишлаб чиқиладиган давлат дастурларида алоҳида ўрин тутмоқда².

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тараққиёт суръатлари ҳамда иқтисодий салоҳиятнинг ошиб бориши ўз-ўзидан ижтимоий соҳа ривожига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2018 йил 28 декабрдаги Мурожаатномасида 2019 йил – *“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”* деб эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ривожланиш демократик давлатлар ички сиёсатида марказий ўринга эга йўналишлар сирасига киради. Назарий жиҳатдан ижтимоий ривожланиш деганда жамиятда янги ижтимоий муносабатлар, институтлар, меъёрлар ва қадриятлар юзага келишига олиб келувчи ўзгаришлар тушунилади.

Ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос белгилари унинг қатъийлиги, йўналтирилганлиги ва ўз қонуниятларига эғалигидадир³.

Ижтимоий ривожланишнинг муҳим мезони аҳоли фаровонлиги даражаси ҳамда жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.– Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 10.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 феврал. №28 (6722); “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 22 январь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – Lex.Uz. <http://lex.uz/docs/3516847>

³ Қаранг: Социальное развитие <http://www.grandars.ru/college/sociologiya/socialnoe-razvitie.html>



Ҳозирги даврда жамият ривожланиши ва унинг барқарорлиги асосан давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатга боғлиқ бўлади. Фаол ислохотлар даврида иқтисодиётда бозор механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ кескин ўзгаришлар юз берадики, уларнинг таъсири ижтимоий соҳага жуда тез кириб боради.

Шу нуқтаи назардан аҳоли учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, аҳолига тақдим этилаётган неъматлар (товарлар, ишлар, хизматлар) миқдори ва сифатини ошириш давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” этиб белгиланган. Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган ижтимоий соҳадаги ислохотлар қуйидагиларни назарда тутди:

- аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;
- арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникатсия ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизатсия қилиш;
- таълим ва фан соҳасини ривожлантириш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш⁴.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида тўхталар экан, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотлар самараси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан, 2019 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берилди:

- аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш;
- пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 феврал. №28 (6722).





- илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш;
- хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар жой билан таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш;
- жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш;
- туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш;
- миллий ғояни ривожлантириш⁵.

Кенг қамровли ижтимоий ривожланиш соҳалари тизимида ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи нақадар ўткирлиги ва долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, тарихдан маълумки, ҳар бир даврда айнан маърифат жамият фаровонлигига ва мамлакат тараққиётига туртки берган.

Шу сабабли эндиликда доно халқимизнинг “Бешикдан то қабргача илм изла” деган нақлини амалий ҳаёт фаолиятимизга кўчириш, мамлакатимизда таълимнинг узлуксизлиги принципини амалда рўёбга чиқариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Сўнгги икки йилда таълим тизимини замонавий демократик давлатлар даражасига олиб чиқиш, ёшларнинг тараққиётнинг етакчи кучи сифатида жамиятимиздаги ўрнини янада ошириш бўйича кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясининг энг бошланғич бўғини бўлмиш мактабгача таълим тизимига етакчи эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда бу соҳа Халқ таълими вазирлиги тизимидан ажратилиб, алоҳида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгани шундан далолат беради⁶.

Бу борада давлат сиёсатининг асосий вазифаси этиб яқин йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида янги боғчалар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш, боғча ёшидаги болаларни таълим билан юз фоиз қамраб олиш белгиланмоқда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабр. №271-272 (7229-7230)

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 30 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси– Lex.Uz. <http://lex.uz/>





Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Хусусан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди.

Олий таълим тизимида янги, замонавий таълим муассасалари, жумладан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Олий таълим муассасаларида сиртқи ва кечки бўлимлар очилди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”⁷.

Таъкидлаш жоизки, тараққиёт ғояси ва истиқболларини белгилаб олмаган, маънавий асослардан маҳрум бўлган, асосийси, ўзининг ёш фуқароларига кўнгилига йўл топа олмаган давлат ва жамият фаровон истиқболни тасаввур қилиши қийин. Давлатнинг ёшларга бўлган муносабати жамият тараққиёти даражаси, унинг очиқлиги, олдинга интилаётганлигининг кўрсаткичларидан биридир.

Шунинг учун давлатнинг жамиятни бирлаштириш ва фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатида ёшлар масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Айнан ёшлар ислохотлар чуқурлашаётган даврда турли тўсиқларни енгиб ўтишга қодир, мамлакатнинг юксалиш сари одимларига куч бағишлай оладиган аҳоли қатламидир.

Айнан ёшлар фуқаролик жамиятининг энг фаол қисмидир, масалан ёшлар турли соҳаларда инноватсион лойиҳалар ва технологияларни жорий қилишга кўпроқ мослашган бўлади, улар жамиятга янги ғоялар ва билимларни ташийдиган ҳамда уларда ўз ҳаётини қуришга интилиш кучли бўлади⁸.

Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон ёшлари бугунги ва эртанги кун эгалари сифатида мамлакатимизда фаровон ҳаёт асосларини барпо этишда бош стратегик ресурс ҳисобланади. Мамлакатимизнинг

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабр. №271-272 (7229-7230)

⁸ Козина Е.С. Развитие инновационного потенциала в рамках молодежной политики. Сборник статей. - М.: Директ – Медиа, 2013. – С. 29.



демократик янгилашлар йўлидан одимлаши ва тараққиёт суръатлари кўп жиҳатдан ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ҳолати ва фаоллигига боғлиқ бўлади.

Миллий ўзликни сақлаган, дунёдаги тенгдошлари орасида ўз билими ва салоҳияти билан эркин беллаша оладиган, мустақил фикри, онгли фуқаролик позициясига эга авлодни тарбиялаш Ўзбекистон учун нақадар долзарб эканлиги қуйидаги омилларда кўринади:

биринчидан, Ўзбекистон улкан ёшлар потенциалига эга мамлакатдир;

иккинчидан, ёшлар миллий қадриятларни келгуси авлодларга етказувчи, ворисийлик анъанасини давом эттирадиган қатламдир;

учинчидан, ёшлар мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг давомийлигини таъминлайдиган кучдир;

тўртинчидан, ёшлар табиатан тақдирга, эргашишга мойил, онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган ўзига хос демографик гуруҳдир.

Тез ўзгараётган ҳозирги дунё ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи кескинлик ва таҳликали шароитларни тобора кўпроқ ҳосил қилмоқда. Бу эса давлат ва жамиятдан ёшлар тарбиясига янгича ёндашувни тақозо қилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “... ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”⁹.

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чоратадбирларни аниқ белгилаб беради.

Қонунда белгилаб берилишича, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати “ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишни” назарда тутди¹⁰.

Бу жараёнларда мамлакатимиз ёшларини бунёдкор ғоялар атрофида бирлаштирган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, ёшларни ташқи таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг

⁹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 23.

¹⁰ “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – Lex.Uz. <http://lex.uz/>





зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифоқ ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган, Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир¹¹.

Иттифоқнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

2017 йилдан буён Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун – 30 июнь санасини мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги фармони билан тасдиқланган “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури мамлакатимиз ёшларининг бор салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамиятимизга самарали ижтимоийлашувини таъминлаш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди.

Давлат дастури ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган¹².

Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағларидан қуйидагиларни амалга ошириш учун фойдаланади:

- ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш;
- Давлат дастури доирасида олинadиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафилликлар бериш;

¹¹ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. <http://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/maqsad-va-vazifalar>

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар- келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида” ги Фармони. 2018 йил 27 июнь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – Lex.Uz. <http://lex.uz/>



- Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларида улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида реализатсия қилиш;
- тегишли кўникмаларга эга банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиш ва кейинчалик реализатсия қилишда кўмаклашиш;
- ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш.

Давлат дастури доирасида 2018 йил 1 июлдан ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартларида “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари, “Ёшлар меҳнат гузари” комплекслари қурилиши бошланди. Маълумот учун “Ёшлар меҳнат гузари” мажмуаси – савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларда барпо этилган бинолар мажмуаси.

“Ёш тадбиркорлар” коворкинг маркази – ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, старaplари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ташкил ташкил этиш учун ихтисослашган марказ.

Президент Мурожаатномасида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 2019 йилда жамғарма учун 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши ва шу орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши вазифаси қўйилди¹³.

Глобаллашув шароитида жамиятимиз тараққиётига нисбатан янги имкониятлар билан бир қаторда ноанъавий таҳдидлар юзага келмоқдаки, ҳозирги даврда миллий маънавият, миллий ғоя тарғиботини замонамиз талаблари даражасида янада такомиллаштиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь. №271-272 (7229-7230)



Бу жараёнда ёшлар масаласи мамлакатимизда бугун ва келажак боғлиқлигини таъминловчи, миллий ўзига хосликни сақлаб қолувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимиз томонидан давлат-хусусий шериклик асосида янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, уларни ёш авлод орасида соғлом турмуш тарғиботига ҳамда китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган замонавий ёшлар масканларига айлантириш таклифи илгари сурилди.

Юртимизда миллий ғоясиз, миллий ўзликни англамасдан туриб, ватанпарварликсиз ҳеч қандай ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмаслиги таъкидланди¹⁴.

Давлатимиз раҳбари ёшлар онгига буюк аллома ва адибларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “Ўзбекистон тарихи” телеканалини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Зеро, тарихий хотирасиз келажакни тасаввур этиш мушкулдир. Холисона тарих асосига қурилган миллий ғоя мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотлар учун чексиз куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Usmonov M. T. The Concept of Compatibility, Actions on Compatibility. International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR), Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 10-13.
2. Usmonov M. T. The Concept of Number. The Establishment of the Concept of Natural Number and Zero. International Journal of Academic Information Systems Research (IJASIR), Vol. 4 Issue 12, December - 2020, Pages: 7-9.
3. Usmonov M. T. The Concept of Compatibility, Actions on Compatibility. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEIS), Vol. 4 Issue 12, December - 2020, Pages: 66-68.

¹⁴ Мурожатнома: мамлакат ривождаги истиқболли вазифалар. 29.12.2018. <http://uza.uz/oz/politics/murozhaatnoma-mamlakat-rivozhidagi-isti-bolli-vazifalar-29-12-2018>





4. Usmonov M. T. General Concept of Mathematics and Its History. International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR). Vol. 4 Issue 12, December - 2020, Pages: 38-42
5. Usmonov M. T. Asymmetric Cryptosystems. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER) ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 6-9.
6. Usmonov M. T. Basic Concepts of Information Security. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 5-8.
7. Usmonov M. T. Communication Control Systems, Methodology. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER) ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 47-50.
8. Usmonov M. T. Compatibility between the Two Package Elements. Binar Relations and Their Properties. International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR) ISSN: 2643-9670 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 52-54.
9. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Matritsa rangi. Matritsa rangini tuzatish usullari. Fan va ta'lim, 2(8), 280-291. <http://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1758> dan olindi.
10. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Matritsalar va ular ustida amallar. Fan va ta'lim, 2(8), 226-238. <http://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1752> dan olindi.
11. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Vektorlar. Fan va ta'lim, 2(8), 173-182. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1747> dan olindi.
12. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Chiziqli algebraik tenglamalar tizimini echishning matritsa, Gauss va Gauss-Jordan usullari. Fan va ta'lim, 2(8), 312-322. <http://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1761> dan olindi.
13. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Chiziqli operatorlar va komissiya xossalari. Fan va ta'lim, 2(8), 133-145. <http://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1744> dan olindi.
14. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Chiziqli operatorlar va komissiya xossalari. Fan va ta'lim, 2(8), 146-152. <http://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1744> dan olindi.
15. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Kvadratik forma va uni kanonik korinishga keltirish. Fan va ta'lim, 2(8), 153-172. <https://www.openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1746> dan olindi.





16. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Arifmetik vektor fazo va unga misollar. Fan va ta'lim, 2(8), 109-120. <https://www.openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1742> dan olindi.
17. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Vektorlarning skalyar ko'paytmasi. Fan va ta'lim, 2(8), 183-191. <https://www.openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1748> dan olindi.
18. Usmonov, M. T. o'g'li. (2021). Vektorlarning vektor va aralash ko'paytmalari. Fan va ta'lim, 2(8), 271-279. <http://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1757> dan olindi.
19. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Teylor formulasini matematik masalalarni echishdagi ahamiyati. "«Science and Education» Scientific Journal" Scientific Journal, Tom-3, 19-23.
20. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Darajali qatorlarning taqribiy hisoblashlarga tatbiqi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-3, 29-32.
21. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Ishoralari almashinib keluvchi qatorlar. Leybnits alomati. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-3, 24-28.
22. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Teylor qatori va uning tadbiqlari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-3, 33-38.
23. Усмонов, М.Т. (2021). Вычисление центра тяжести плоской ограниченной фигуры с помощью двойного интеграла. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 64-71.
24. Усмонов, М.Т. (2021). Биномиальное распределение вероятностей. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 81-85.
25. Усмонов,М.Т. (2021). Поток векторного поля. Поток через замкнутую поверхность. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 52-63.
26. Усмонов,М.Т. (2021). Вычисление определенного интеграла по формуле трапеций и методом Симпсона. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 213-225.
27. Усмонов,М.Т. (2021). Метод касательных. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 25-34.
28. Усмонов,М.Т. (2021). Вычисление предела функции с помощью ряда. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 92-96.
29. Усмонов,М.Т. (2021). Примеры решений произвольных тройных интегралов. Физические приложения тройного интеграла. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 39-51.





30. Усмонов, М.Т. (2021). Вычисление двойного интеграла в полярной системе координат. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 97-108.
31. Усмонов, М.Т. (2021). Криволинейный интеграл по замкнутому контуру. Формула Грина. Работа векторного поля. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 72-80.
32. Усмонов, М.Т. (2021). Правило Крамера. Метод обратной матрицы. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 249-255.
33. Усмонов, М.Т. (2021). Теоремы сложения и умножения вероятностей. Зависимые и независимые события. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 202-212.
34. Усмонов, М.Т. (2021). Распределение и формула Пуассона. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 86-91.
35. Усмонов, М.Т. (2021). Геометрическое распределение вероятностей. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 18-24.
36. Усмонов, М.Т. (2021). Вычисление площади поверхности вращения. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 97-104.
37. Усмонов, М.Т. (2021). Нахождение обратной матрицы. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 123-130.
38. Усмонов, М.Т. (2021). Вычисление двойного интеграла. Примеры решений. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 192-201.
39. Усмонов, М.Т. (2021). Метод прямоугольников. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 105-112.
40. Усмонов, М.Т. (2021). Как вычислить длину дуги кривой?. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 86-96.
41. Усмонов, М.Т. (2021). Вычисление площади фигуры в полярных координатах с помощью интеграла. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 77-85.
42. Усмонов, М.Т. (2021). Повторные пределы. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 35-43.
43. Усмонов, М.Т. (2021). Дифференциальные уравнения второго порядка и высших порядков. Линейные дифференциальные уравнения второго порядка с постоянными коэффициентами. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 113-122.
44. Усмонов, М.Т. (2021). Пределы функций. Примеры решений. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 139-150.
45. Усмонов, М.Т. (2021). Метод наименьших квадратов. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 54-65.





46. Усмонов, М.Т. (2021). Непрерывность функции двух переменных. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 44-53.
47. Усмонов, М.Т. (2021). Интегрирование корней (иррациональных функций). Примеры решений. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 239-248.
48. Усмонов, М.Т. (2021). Криволинейные интегралы. Понятие и примеры решений. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 26-38.
49. Усмонов, М.Т. (2021). Гипергеометрическое распределение вероятностей. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 19-25.
50. Усмонов, М.Т. (2021). Абсолютная и условная сходимость несобственного интеграла. Признак Дирихле. Признак Абеля. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 66-76.
51. Усмонов, М.Т. (2021). Решение систем линейных уравнений. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 131-138.
52. Usmonov, M.T. (2021). Matritsalar va ular ustida amallar. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 226-238.
53. Usmonov, M.T. (2021). Teskari matritsa. Teskari matritsani hisoblash usullari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 292-302.
54. Usmonov, M.T. (2021). Bir jinsli chiziqli algebraik tenglamalar sistemasi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 323-331.
55. Usmonov, M.T. (2021). Chiziqli fazo. Yevklid fazosi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 121-132.
56. Usmonov, M.T. (2021). Vektorlarning skalyar ko'paytmasi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 183-191.
57. Usmonov, M.T. (2021). Xos vektorlari bazis tashkil qiluvchi chiziqli operatorlar. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 146-152.
58. Usmonov, M.T. (2021). Chiziqli algebraik tenglamalar sistemasi va ularni echish usullari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 303-311.
59. Usmonov, M.T. (2021). Vektorlar. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 173-182.
60. Usmonov, M.T. (2021). Kvadratik forma va uni kanonik korinishga keltirish. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 153-172.
61. Usmonov, M.T. (2021). Arifmetik vektor fazo va unga misollar. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 109-120.
62. Usmonov, M.T. (2021). Chiziqli operatorlar va ularning xossalari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 133-145.





63. Usmonov, M.T. (2021). Determinantlar nazariyasi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 256-270.
64. Usmonov, M.T. (2021). Matritsa rangi. Matritsa rangini hisoblash usullari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 280-291.
65. Usmonov, M.T. (2021). Autentification, authorization and administration. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 233-242.
66. Usmonov, M.T. (2021). Vektorlar nazariyasi elementlari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 332-339.
67. Usmonov, M.T. (2021). EHTIMOLLAR NAZARIYASI. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-1, 10-15.
68. Usmonov, M.T. (2021). Chiziqli algebraik tenglamalar sistemasi va ularni echish usullari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 333-311.
69. Usmonov, M.T. (2021). Bir jinsli chiziqli algebraik tenglamalar sistemasi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-21, 323-331.
70. Usmonov, M.T. (2021). Vektorlar nazariyasi elementlari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 332-339.
71. Usmonov, M.T. (2021). Chiziqli fazo. Yevklid fazosi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 121-132.
72. Usmonov M. T. & Qodirov F. E, BIR JINSLI VA BIR JINSLIGA OLIB KELINADIGAN DIFFERENSIAL TENGLAMALAR. AMALIY MASALALARGA TADBIQI (KO'ZGU MASALASI) , BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI: Vol. 2 No. 1 (2022): БАҲҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ
73. Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li, Sayifov Botirali Zokir o'g'li, Negmatova Nilufar Ergash qizi, Qodirov Farrux Ergash o'g'li, BIRINCHI VA IKKINCHI TARTIBLI HUSUSIY HOSILALAR. TO'LA DIFFERENSIAL. TAQRIBIY HISOBLASH , BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI: 2022: SPECIAL ISSUE: ZAMONAVIY UZLUKSIZ TA'LIM SIFATINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI
74. Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li, Sayifov Botirali Zokir o'g'li, Negmatova Nilufar Ergash qizi, Qodirov Farrux Ergash o'g'li, IKKI ARGUMENTLI FUNKSIYANING ANIQLANISH SOHASI, GRAFIGI, LIMITI VA UZLUKSIZLIGI , BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI: 2022: SPECIAL ISSUE: ZAMONAVIY UZLUKSIZ TA'LIM SIFATINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI
75. Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li. (2022). FURYE QATORI. FUNKSIYALARNI FURYE QATORIGA YOYISH. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6055125>





76. Usmonov. M. T. ., & Qodirov. F. E. . (2022). DARAJALI QATORLAR. DARAJALI QATORLARNING YAQINLASHISH RADIUSI VA SOHASI. TEYLOR FORMULASI VA QATORI. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 8–20. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1151>
77. Usmonov. M. T. ., & Qodirov. F. E.. (2022). FURE QATORI VA UNING TADBIQLARI. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 21–33. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1152>
78. M.T Usmonov, M.A Turdiyeva, Y.Q Shoniyozova, (2021). SAMPLE POWER. SELECTION METHODS (SAMPLE ORGANIZATION METHODS). ООО НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА , 59-60.
79. Усмонов,М.Т, М.А.Турдиева (2021). ГЛАВА 9. МЕТОДЫ И СРЕДСТВА СОВРЕМЕННОЙ ЗАЩИТЫ КОМПЬЮТЕРНЫХ СЕТЕЙ. РИСК И ПРИНЦИПЫ ЗАЩИТЫ ИНФОРМАЦИИ В ЭЛЕКТРОННОЙ ПОЧТЕ. ББК 60 С69, Ст-99.
80. Усмонов,М.Т, J.M.Saipnazarov, K.B. Abraqulov (2021) SOLUTION OF MATHEMATICAL PROBLEMS IN LOWER CLASSES. Книга: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ, 167-177.
81. Усмонов М.Т. (2022). E-LEARNING И ЕГО РОЛЬ В СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ. : Special Issue_Ta’limni modernizatsiyalash jarayonlari muammolar va echimlar». 168-171.
82. Usmonov. M. T. ., & Qodirov. F. E.. (2022). STOKS FORMULASI. SIRT INTEGRALLARI TADBIQLARI. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 34–45. Retrieved from <https://sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/1153>

